



Поетмга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 14 август, пайшанба • 33 (3509)-сон

Патруль-пост хизмати ходимлари транспорт, замонавий алоқа воситалари билан таъминланмоқда. Бу эса Андижон вилояти шаҳар ва туманлари кўчаларида, жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келмоқда.



ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА



Суратларда: гуруҳ сардори, милиция майори Ш. Раҳматов автопатруль экипажи командири, милиция сержанти Д. Абдулқосимов ва милиционер-ҳайдовчи, милиция сержанти Ж. Жўраевага қўшимча кўрсатмалар берапти; бўлинманинг энг фаол милиционер-ҳайдовчиси, милиция катта сержанти О. Шералиев; белгиланган йўналишларга чиқиш олдидан тақсимот пайти.

УШБУ СОНДА:

ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБГА ШАЙМИ?

Ҳадемай ўқувчилар жонажон мактаблари бағрига қайтишади. Ота-оналар эса фарзандларига кийим-кечак, ўқув қуроллари сотиб олишга аллақачон киришишган...



2

ТУНГИ ХИЗМАТ ФИДОЙИЛАРИ

Бирор юмуш билан тунда кўчага чиқсак ёки узоқ йўлдан, меҳмонданми қайтаётганимизда томига ўрнатилган чироқларини ёқиб милициянинг хизмат машиналари ўтиб кетади. Тунда биров бунга эътибор берди ёки йўқ...

3

МЕҲР - ГУЛ, ҚАҲР - ТИКАН

Гуломдаги меҳр-оқибат қиёматли дўст бўлиб қолишимизга сабаб бўлди. Унинг болаларини ўз фарзандимдай кўраман. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетган...

13

КАШИРКАДАГИ ФОЖИА

Бир неча йил бурун бу ерда бутун бошли кўп қаватли уй портлатилган эди. Кеча яна бир фожиа юз берди...



14

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа ранг-баранг материаллар билан танишасиз.

UCHINCHI «Поетмга» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



Хабарлар, воқеалар, янгиликлар

ТРЕНИНГ ЙИҒИЛИШ

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасида АҚШ юристлари ассоциацияси вакиллари иштирокида ҳудудий, яъни Бухоро, Навоий вилоятлари ва Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов хизмати ходимларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиши юзасидан тренинг ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистондаги ваколатхонаси масъул ходимлари Ш. Азизов, Ш. Ходжаевлар, Тошкент Давлат юридик институтининг халқаро ҳуқуқ кафедраси мудираси, юридик фанлари доктори Г. Маткаримова ва бошқалар иштирок этдилар.

Тадбирда "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактни тергов фаолиятида қўллаш масалалари", "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасининг вазифалари", "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қийноққа қарши қўмитасининг вазифалари, олиб борилаётган ишлар, ҳулоса ва тавсиялар" каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Шунга ўхшаш йиғилиш Қашқадарё вилояти ИИБда ҳам бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов, Америка Қўшма Штатлари юристлари ассоциацияси жиноят ҳуқуқи дастурининг вакили Люси Мартин ва бошқалар иштирок этишди.

Ҳар икки тренинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича ўзаро фикр алмашиб, тергов жараёнида юзга келаётган айрим муаммоларнинг ечимига биргаликда жавоб излашди.

А. ГИЯСОВ,
милиция майори.

Б. ЭРГАШЕВ,
милиция старшинаси.

Баҳористон тумани ҳокимлиги фуқароларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларни чуқурлаштириш мақсадида ҳар ойнинг сўнги жумасини "Маънавият ва маърифат куни" деб эълон қилган. Шу кунлари олимлар, иқтисодчилар, ички ишлар идоралари ходимлари ва касб эгалари жойларда бўлишиб, турли мавзуларда маърузалар ўқийдилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришади.

ОҒОҲЛИККА ДАЪВАТ

Маълумки, ўтказиладиган бундай тадбирларнинг таъсирчан, юксак савияда бўлиши аввало маърузачининг билимдонлиги, мавзунини нечоғлиқ чуқур билиши, қанчалик ҳаётий тажрибага эга эканлигига боғлиқ. Маърузачилар турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишга ҳам вақт топишмоқда. Яқинда улар Баҳористон педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ва маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, "Диний экстремизм ва фундаментализм" мавзусида суҳбат ўтказишди. Шунингдек, тажрибали маърузачилардан милиция катта лейтенанти Ш. Жўраев "Гиёҳвандлик-умр заволидир", маҳалла посбони С. Хўжамов эса "Огоҳликка даъват" мавзусида маърузалар ўқидилар. Ўтказилаётган бундай тадбирлар кишиларни хушёрликка чақираяпти, осойишталикни таъминлашда, мустақамлашда алоҳида ўрин тутмоқда.

С. РАЖАБОВ.

САМАРАЛИ ТАДБИР

Кўхитанг жамоа хўжалиги ҳудудида автомашина йўлнинг серқатнов қисмида маст ҳолда ётган номаълум шахсни босиб кетиб, жўнаб қолади. Оғир тан жароҳати олган кимса воқеа жойида вафот этади.

Ушбу ҳодиса бўйича вилоятда "Тўсиб ушлаш" тадбири эълон қилинди. Вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Б. Хушбоқов раҳбарлигида ходимлар – милиция капитанлари Ч. Жўраев, Р. Гафоров, милиция лейтенанти Э. Норқораевлар суриштирув ишларини олиб боришди. Натижада ҳалок бўлган шахс Шеробод тумани Сеплон маҳалласида ёлланиб ишлаётган тожикистонлик Жамшид Назаров эканлиги аниқланди. Уни "ВАЗ-2106" русумли автомашинада уриб юбориб, воқеа жойидан жуфтакни ростлаган Ангор туманилик А. Урал ушланди.

З. ЮНУСОВ,
милиция майори.

«АНТИТЕРРОР»ДА АНИҚЛАНДИ

Хаммаси Мардоннинг севган қизи турмушга чиқиб кетгандан сўнг бошланди.

Унга ҳаётнинг қизиги қолмади. Ўша куни туман марказидан чеккароқдаги ошхонада дўстлари билан майхўрлик қилди. Аламидан тўйиб ичди. Эртасига ҳам шу ҳол такрорланди. Кечга яқин чўнтагида ҳеч вақо қолмагач, пул топиш ҳақида бош қотира бошлади. У шу куни тунда Мадамин Маткаримов номли ширкат хўжалигининг 6-бригадасида яшовчи Бахтиёр Эшчоновнинг 8 та товугини ўғирлаб, Урганч шаҳар деҳқон бозорида сотиб юборди. "Ов" бароридан келганидан хурсанд бўлган Мардон бир неча кун маишат қилди. Енгил табиатли аёллар билан овунди. Сўнгра яна пулга муҳтож бўлиб қолди. У бу гал Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Баҳром Хўжаевга тегишли устахонадан таъмирлаш учун келтирилган "Планета" русумли мотоциклнинг турли эҳтиёт қисмлари ҳамда устахона асбоб-ускуналарини ўмариб кетди. Уларни пуллагач, Тошкентга қараб жўнади. Пойтахтга етиб олгач, шаҳарда мардикорлик қилаётган хоразмлик йигитларнинг ижарага олинган уйларига бориб тунда не-не машаққатлар эвазига топган пулларини ўғирлаб, кўздан гоёиб бўлди...

У мўмай даромадни қўлга киритгач, қишлоғига қайтди. Аммо "Анти-террор" тадбирини ўтказётган Янгиариқ тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКГ тезкор ходимлари ўша кунгун Мардон Шомуродовни қўлга олишди. У ўшанда "бургага аччиқ қилиб", жиноят кўчасига кириб қолганини тан олди.

Х. ЖАББОРОВ.

Амударё тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Шухрат Собиров ҳудудда ўтказилган "Анти-террор" тадбири тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Тадбирга олти нафардан ортиқ ходим, ўнга яқин автомашина жалб этилди. Туманнинг Туркменистон республикаси билан чегарадош ҳудудлари – Қангли, Қипчок, Дўстлик, А. Темур, Й. Ўрозбаев номли, Қиличбой ва "Туркменистон" ширкат хўжаликларида ишлар кучайтирилган ҳолда ташкил этилди.

Тадбирга сарфланган вақтимиз бесамар кетмади, албатта. Иккита ўғирлик жинояти очилди. Республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кетилаётган ва олиб кетилаётган маҳсулотлар бўйича 12 та ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Фуқароларда ноқонуний сақланаётган иккита ўқотар қурол аниқланиб, олинди. Шунингдек, муқаддам судланганлар, диний экстремистик оқимларга мансуб ва маъмурий назоратда турган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилди.

Тадбир давомида гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган фуқаролар, шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланувчи аёллар аниқланиб, рўйхатга олинди.

Бундан ташқари барча овул-хўжаликлар, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилиниб, одамларга терроризмнинг моҳияти, асл мақсади тушунтирилди.

Амалга оширилаётган ишлар ҳалқимизнинг кўз олдида намоён бўлмоқда. Уларнинг ишончи эса бизни янада масъулият билан ишлашга даъват этади.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ
ёзиб олди.

Долзарб мавзу

ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБГА ШАЙМИ?

Ҳадемай ўқувчилар жонажон мактаблари бағрига қайтишади. Ота-оналар эса фарзандларига кийим-кечак, ўқув қуроллари сотиб олишга аллақачон киришишган. Хўш, ўғил-қизларимизни рисоладагидай қилиб илм масканига жўнатиш учун қанча маблағ кетади? Хусусан, дарсликлар ҳамда ўқув қуролларининг нархи ота-оналарни қийнаб қўймайдими?! Шу каби саволларга жавоб топиш учун пойтахтимиздаги айрим мактаб бозорларида бўлиб, мавжуд аҳвол билан яқиндан танишдик.

"Эски жўва" буюм бозори ҳудудида жойлашган "Болалар дунёси" масъулияти чекланган жамиятда ўқувчилар учун махсус бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда харидорлар учун тўла шароит яратилган. Ўқув қуроллари, китобларга нархлар ёзиб қўйилган. Жумладан, ўқувчиларнинг кундалик дафтарлари – 150 сўмдан 300 сўмгача. 96 varaқли ёзув дафтари эса 800 сўм. Харидорлар уларни ҳамёнларига қараб сотиб олишади. Албатта, Россиядан келтирилган дафтарларнинг кўриниши ҳам, сифати ҳам ўқувчиларни ўзига тартади. Лекин ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлардан сезиларли даражада қиммат. Худди шундай ўқув қуроллари буюм бозори ичидаги хусусий тадбиркорларда анча арзонроқ нархда сотилмоқда. Ҳатто 70 фоизгача. Аммо бизнинг бир ҳолат ўйлантириб қўйди. Негаки, болалар дўконида 2-синф



ўқувчиларнинг ўқиш китоби – 840 сўм, тадбиркорларда эса 1170 сўм деб ёзиб қўйилган.

– Арзонроғи ўтган йили чоп этилган, – дейди хусусий тадбиркор Баҳром Ҳожибеков. – Биз сотаётган дарсликлар эса бу йил нашр қилинган. Айтишларича, 2002 йилдагиси ўтмас экан.

Таажуб? Ҳар икки дарслик ҳам бир нашриётда босилган, ўқув дастурлари ҳам бир хил. Табиийки, ота-оналар арзонроғини харид қилишади. Учинчи синфга кўчганлар ўтган йили сотиб олинган дарсликларни укаларига беришади. Ахир бир ўқувчи китобдан бир йил фойдаланиб ташлаб юбор-

зиларга оғирлик қилади. Агар аксарият оилаларда 2-3 нафардан ўқувчи бўлса, буёғини ўзингиз ҳисоблайверинг қанчалик қийинлигини. Шунингдек, муқаддам судланганлар, диний экстремистик оқимларга мансуб ва маъмурий назоратда турган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилди. Тадбир давомида гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган фуқаролар, шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланувчи аёллар аниқланиб, рўйхатга олинди. Бундан ташқари барча овул-хўжаликлар, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилиниб, одамларга терроризмнинг моҳияти, асл мақсади тушунтирилди. Амалга оширилаётган ишлар ҳалқимизнинг кўз олдида намоён бўлмоқда. Уларнинг ишончи эса бизни янада масъулият билан ишлашга даъват этади.

Долзарб мавзу

Долзарб мавзу

Долзарб мавзу



дай усул бир неча йилдан буён амалга ошириб келинмоқда.

– Жорий ўқув йилида республикадаги 9692 та мактабнинг 4-5 синф ўқувчиларига 13 номдаги дарсликларни ижарага берамиз, – дейди вазирликнинг дарсликлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Турсунова. – Уч йилдан буён қўлланиб келинаётган бу усул ота-оналарга жуда қўл келмоқда. Мисол учун, бир ўқувчининг дарсликлар мажмуаси 10 минг сўм турса, улар тўртдан бир қисми, яъни 2,5 минг сўмини тўлашади ва йил охирида кутубхонага топширадилар. Янги ўқув йилидан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани мактабларининг 2 ва 9-синф ўқувчилари ҳам ушбу қулайликдан баҳраманд бўлишади.

Қ. ШОКИРОВ.

Хизматларда

ОСОЙИШТАЛИК КАЛИТИ

Каттақўрғон тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Учқун Холиков телефонда гаплашаётган экан.

— Ҳа, улгурамиз! — деди у. — Мактаб директорлари, маҳалла оқсоқоллари, бошқа мутасаддиларни йиғамиз! Ҳозир топшириқ бераман, ташкил этишади. Хўп бўлади!

Кейин гўшақни жойига қўйиб биз билан сўрашди. Мен вақтни ганимат билиб сўрадим:

— Учқун ака, туман, ходимларингиз фаолияти ҳақида пича гапириб беринг. Кейин бирорта маҳаллага борамиз.

— Худудимизда 200 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дея сўз бошлади у. — Бирламчи вазифамиз — фуқароларнинг

тинч ҳаётини муҳофаза қилишдир. Бундан ташқари оилалар, кўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар ўртасида келиб чиқадиган турли-туман низоларни жойида ҳал этишга профилактика инспекторлари катта ҳисса қўшишапти. Йилнинг ўтган даври ичида мол ўғирликлари сезиларли камайди.

“Антитеррор” талбири чоғида бир неча жиноят фош этилди. Масалан, 25 июль кунини тахминан соат 20.00 ларда Пайшанба шаҳарчасида Ж. Дилфуза психотроп воситаларни ноқонуний сотаётган пайтда ушланди. Бир кун олдин эса Х. Валижон ўқотар курулни 23 минг сўмга пулламоқчи бўлганда қўлга олинди.

Шу пайт хонага вазмин бир аёл кириб келди. У туман ҳокимининг

ўринбосари — хотин-қизлар кенгаши раисаси Гулнора опа Шаропова экан. Мухбир эканимни билиб, суҳбатимизга қўшилди:

— Милиция ходимлари билан бирга ҳар ҳафта маҳаллаларда турли талбирлар ўтказамиз. Осойишталик калити ҳам ана шунда. Мақсадимиз ёшлар турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолмасин, юртимиз тинч бўлсин.

Опа гапини мухтасар қилиб, хонада ўтирган профилактика инспектори билан бир онлага йўл олишди. Шу пайт Учқун аканинг телефони жиринглади. Биз эса М. Улугбек маҳалласига боришимизни айтиб, у билан хайрлашдик.

Д. САЛОҲИДИНОВА.

Бобомнинг “Олапар” ҳақида сўзлаб берган ҳикояси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Бир кунни ҳамқишлоғимиз тонгда ити билан далага чиқиб кетади. Туш вақтида “Олапар” безовталаниб, ҳовлига югуриб кириб укасининг шимидай тортиб тоғ томонга судрай бошлайди. Аввалига ҳеч нарсани тушунмаган ука итининг тинмай судрашида жон борлигини сезиб унга эргашади. Жарликка яқинлашганда ўт устида қон томчилари кўринади. Гап нимадалигини тушунган ука қадамни тезлатиб борсаки, акаси қонига беланиб ётибди. Тезда у касалхонага етказилади. Кейинчалик маълум бўлишича, “Олапар” ўз эгасини жарликдан амаллаб олиб чиқиб, сўнгра одамларни ёрдамга чақирган экан.

КЎМАКЧИЛАР
ХИЗМАТГА ШАЙ

Бугун жиноятчиликка қарши курашда ана шундай зийрак итлар хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Тўрт оёқли кўмакчилар ҳуқуқбузарни қўлга олиш, уни қуролсизлантириш, оғуфрушларнинг ўта хийлакорлик билан яширган гиёҳвандлик моддаларини фош этишда катта ёрдам беришапти.

Бу борада Тошкент вилояти ИИБ тизимида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда вилоят ИИБ кинология хизматида 180 га яқин хизмат итлари мавжуд бўлиб, улар билан мунтазам машғулотлар ўтказиб борилапти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хизмат итлари тезкор қидирув гуруҳлари билан жиноят содир этилган жойларга чиқиб, 117 тадан ортиқ жиноятларни фош этди. Шулардан 78 таси ўғирлик, 27 таси гиёҳвандлик моддаларини аниқлашди.

Кичик инспектор-кинолог, милиция кичик сержанти Н.Валиев “Жина” лақабли ити билан хизмат ўтаётганда Б. Мурод гумонли текширилди. Устомонлик билан яширилган 0,67 гр. марихуана, 0,2 гр. героин моддаси унинг ёрдамида аниқланди. Т. Зарифа пухта яширган 36,5 гр. марихуана ҳам кичик инспек-

тор-кинолог, милиция сафдори Н.Қорабековга биркитилган “Рича” лақабли итининг сезгирлиги туфайли фош этилди.

Чирчиқ шаҳридаги дўконлардан биридан номаълум шахслар бир миллион сўмга яқин турли хил маҳсулотларни ўмаришади. Ўғрилар Ж. Жўра ва Х. Ирислар узоққа бормай қўлга олинишди. Жиноятни очишда “Цебр” лақабли хизмат итининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. 23 ёшли Д. Одил симёғочлардан 152 метр кабелни ўғирлаб кетаётганда “Айна” лақабли ит унинг изига тушиб, уйига етмаёқ қўлга олинган.

Вилоят ички ишлар идораларида инспектор-кинологларни хизмат итлари билан умумқидирув, портлатиш воситалари, портловчи моддалар, ўқ отар қуролларни қидириб топиш, уларни зарарсизлантириш, ноқонуний етиштирилаётган гиёҳванд ўсимликларни топиш ва аниқлаш йўналишлари бўйича ўқув машғулотлар етакчи мутахассислар жалб этилган ҳолда босқичма-босқич ўтказилиб, синовлар қабул қилинди.

Ф. МУСАЕВ,
милиция майори.

Суратда: кинолог Э. Қорабеов хизмат ити билан машғулот пайтида.

ТУНГИ ХИЗМАТ ФИДОЙИЛАРИ

Бирор юмуш билан тунда кўчага чиқсак ёки узоқ йўлдан, меҳмонданми қайтаётганимизда томига ўрнатилган чироқларини ёқиб милициянинг хизмат машиналари ўтиб кетади. Тунда биров бунга эътибор беради ёки йўқ. Кеч қолган йўловчиларнинг тинчлиги, хавфсизлигини кимлар таъминлашапти? Буни кўпчилик билавермайди. Қашқадарё вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони шахсий таркиби ҳам ана шундай масъулиятли вазифани бажармоқда. Биз ушбу батальон командирининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Б. Гаппоров билан суҳбатлашдик.

— Батальон шахсий таркибида 100 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатади. Улар учта отрядга бўлиниб, иш юришлари — деди Б. Гаппоров. — 1-отряд соат 20⁰⁰ дан эрталабки соат 8⁰⁰ га қадар хизматда бўлишади. Қарши шаҳридаги маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлайди. Шаҳарнинг “Пахтазор” кичик тумани, “Самарқанд” шохбекати, 6-маъмурий ҳудуд, 1- ва 2-кичик туманлари аҳоли энг гавжум ҳудудлар ҳисобланади. Яқинда батальон ҳисобидидаги автомашиналар сони 9 тага ортди. Республика ИИБ томонидан ажратилган “Матиз” русумли автомашиналар бугунги кунда ходимлар ишини енгил қилапти. Автомашиналар учун автосарой қурилишига вилоят ҳокимлиги томонидан 20 миллион сўм маблағ

ажратилди. Албатта, бундай гамхўрлик ушбу хизматга бўлган эътибор белгисидир. Бундан ташқари, батальонда барча зарур шарт-шароитлар етарли: дам олиш, маънавият хонаси мавжуд. Навбатчилик қисми тезкор алоқа воситалари билан таъминланган.

Ҳар ҳафта маърифат дарси ва бошқа ўқув машғулотларида оммавий тартиббузарликларнинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилади. Спорт машғулотлари йўлга қўйилган.

Йилнинг ўтган олти ойи давомида ППХ ходимлари томонидан 14 та жиноят очилди. Сўнгги пайтда кўчалар, жамоат жойларида тартиббузарликлар анчагина камайишига эришилди. Жиноят очилиши ва унинг олдини олишда иштирок этган ходим моддий рағ-

батлантириб борилади. Бу эса унинг хизматга бўлган иштиёқини янада оширади.

Батальонда фидойи инсонлар кўпчиликни ташкил этади. 1-отряд сардорининг ўринбосари, милиция капитани Ш. Худойкулов, милиция катта лейтенанти А. Соатмуродов, милиция сержантлари А. Шоймардонов, Ш. Қодиров, Н. Азаматов, Н. Кенжаев кабиларнинг номларини алоҳида тилга олсак арзийди. Уларнинг хизматга бўлган садоқати туфайли тунги осойишталик таъминланмоқда. Соат миллиари 23. 00. Ходимлар маст ҳолда руль бошқарган “Нексия” эгасини ушлаб келишди. Фуқаро А. П.нинг ноҳўя ҳаракатлари тегишли тарзда ҳужжатлаштирилиб, ЙПХ ходимларига топширилди.

Бироз вақт ўтиб, ичимликдан сархуш бўлган яна бир фуқарони келтиришди. Ўзини эски шаҳарликман, деб таништирган Л. М.нинг аҳволи ҳам ачинарли, ҳам шармандали эди. Уни зудлик билан наркологи диспансер назоратидан ўтказишга юборилди.

Телефон кетма-кет жиринглади. Гўшақ кўтарилганда аёл кишининг ҳаяжонли овози эшитилди: — Илтимос, 36-уйга тезроқ етиб келинглар. Эрим жанжал қилиб барчани безовта қилапти.

Тунги гуруҳ ходимлари тезкорлик билан ноҳуш хабар келган манзил томонга ошиқадилар...

Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони сардорининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Баҳодир Гаппоров (ўртада) отряд командири ўринбосари, милиция капитани Шавкат Худойкулов ва ППХ ходими, милиция сержанти Абдувоҳид Шоймардоновлар билан навбатдаги ишларни режалаштиришмоқда.

С. АМИНОВА.



МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ

Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан йилнинг ўтган даври мобайнида ёқилги-мойлаш, саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари каби қарийб 10 миллион сўмдан зиёд моддий товар бойликлари ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олди олинди. 239 та ҳолатда 92 миллион сўмдан ортиқ чет эл моллари аниқланиб, чора кўриш тегишли идораларга юборилди.

Назорат ишлари натижасида Республика Вазирилари Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича

ходимларимиз саъй-ҳаракатлари билан вилоятдаги барча кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида бир қатор ижобий натижаларга

эришилди. Соҳада ўтказилаётган ислохотлар самараси ўлароқ ташкил этилган тўртта сафарбарлик гуруҳлари учун маъмурий бинолар ажратилиб, қайта таъмирланди. Ходимларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва хизматни ўташ-

лари учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Маълумки, Андижон вилояти Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Жалолобод вилоятлари билан чегарадош. Бу эса ЙХХБ ходимларидан хизматда ҳамisha хушёр ва зийрак бўлишларини талаб қилади.

Ярим тунда Ўш-Андижон йўлида катта тезликда келаётган “Нексия” русумли автомашина 32-ЙПХ масканида ўз хизмат вазифасини бажараётган милиция старшиналари Х. Халилов, М. Ўрмонов ва милиция сер-

жанти Ф. Умаровларда шубҳа уйғотди. Машина тўхтаб текширилганда Андижон шаҳрилик Б. Олим қиймасининг 400 минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган велюр матосини бож тўловларини тўламасдан олиб келаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, 4-сафарбарлик гуруҳи бошлиғи, милиция капитани З. Мадраҳимов ва шу гуруҳ ходимлари, милиция старшинаси И. Аловуддинов ва милиция сержанти О. Қодиркуловлар Қорасув шаҳридан келаётган наманганлик Н. Карим

бошқарувидаги “УАЗ” русумли автомашинани тўхтаб текширилганда йўловчи, кўрғонтепаллик Б. Фариди қиймати 450 минг сўмлик хорихда ишлаб чиқарилган истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни ҳеч қандай ҳужжатсиз Наманган шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланди.

ЙХХБ ходимлари зиммаларидаги масъулиятни шароф билан уддалаш, қўшни республика чегара ҳудудларида хушёрликни ошириш мақсадида қўшимча назорат ва кузатув масканлари ташкил этилди.

Б. АҲМАТОХУНОВ,
милиция подполковниги.

Мехр қолур, оқибат қолур...

Бир пайтлар қадим Туркистонда етимхона деган жойнинг ўзи бўлмаган дейишади. Нима, ўшанда болалар етим қолмаганми? Қолган! Ҳокимият уларнинг аҳволига бефарқ қараганми? Бундай дейиш ҳам тўғри эмасдир. Агар шаҳару қишлоқларда қаровсиз юрган етим-есирлар бўлса, хону беклар бирор чора кўришган. Уларни қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари билан биронтаси ўз тарбиясига олган. Ҳозирчи? Республикамизда қанчалаб меҳрибонлик уйлари бор. Номини меҳрибонлик уйи деб атаганимиз билан, аслида уларда асосан яқинлари меҳридан мосуво бўлган етим болалар тарбияланишади. Ораларида ота-онаси ҳаёт бўлганлари ҳам бор.

Аммо ҳозир гап қаровсиз қолган етим-есирлар тўғрисида. Вояга етмаганлар ўртасида қайта содир этилаётган жиноятларнинг аксар қисми айнан сўнгги тоифа ҳиссасига тўғри келяпти. Ички хизмат подполковниги Икром Жўраев раҳбарлик қилаётган муассасадаги баъзи тарбияланувчилар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

тўпланиб қолган экан. "Бор-е" деб яна ўғрилиққа қўл урдим...

Оққўрғонлик Тоҳир Мирзаевнинг тақдири янаям ачинарли. Халқимизда "Онали етим – гул етим, отали етим – шум етим" деган нақл бор. Тўғри, она фарзандга отадан кўра меҳрибонроқ. Аммо ота оиланинг устун, таянчи. Усиз рўзгорнинг бут бўлиши қийин. Отаси онаси билан ажрашгач оиладан барака кўтарилади. Онаси иккинчи марта турмушга чиққан киши уйни сотди-да, пулни олиб қочиб кетди. Она-бола туман марказидаги ётоқхонага жойлашиб, амал-тақал қилиб рўзгор тебрата бошлашди. Тоҳир ишлаб уч-тўрт сўм топаманми, деб Тошкентга келди. Аммо бўйни меҳнатга ёр бермади. Ўғрилиқ қилиш ниятида фирмаларнинг

дагилар ҳар гал "Сабр қил, ҳозирча иложи йўқ", – деб қайтаришарди.

Орадан олти ойлар ўтиб Тоҳирнинг оёғига мих кириб, жароҳат олди. Уй бекаси: "Ишга ярамай қолдинг. Менга текинтомоқнинг кераги йўқ. Мана, икки минг сўм пулинг. Қолганини еб-ичиб бўлдинг. Тошкентга бор, бир кунингни кўрарсан", – деди.

Тоҳир кўчада қолди. Тошкентга келганида пулининг чўғи янаям пасайганди. Қаёққа бориш, нима қилишни билмасди. Беихтиёр хаёлидан "Қайтанга тарбия муассаса яхши эди. Ётар-турар жойим тайин эди," – деган фикр ўтди. Яна фирмалардан бирига ўғрилиққа кирди...

– Мен муассасага раҳбар бўлиб келганимда Тоҳир тез-тез ички тартиб-қоидаларни

маяпти", – деди. У ҳозир муассасада дурадгор бўлиб ишлаб юрибди. Ҳали бирор кун сабабсиз ишдан қолмади, вазифасини ҳам кўнгилдагидек бажаряпти.

Тоҳир, Санжарга ўхшаганлар оз эмас. Ҳозир бирор муаммо туғилса, дарров маҳалла идораси нега ҳал қилмади дейиш русум бўлган. Аммо улар ҳал қила олмайдиган масалалар ҳам бор. Жумладан, юқоридаги сингари қаровсиз қолаётган, ёши 16 дан ўтган ўсмирларга маҳалла идораси уй топиб бера олмайди. Ёлғиз оналарга ёрдам беришда ҳам маҳалла идорасининг имкони чекланган. Аммо маҳаллий ҳокимликлар-чи? Қавм-қариндошлар-чи? Шу маҳаллада истиқомат қиладиган ўзига тўқ оилалар-чи? Улар дангиллама тўй қиламан, бўлажак

ЎЙЎЛ БОШШИДА

ЁКИ «КЕРАКСИЗ» ЎСМИРЛАР

Санжар Каримов асли Самарқанд шаҳрилик. Ота-отаси автохалокатга учраб ҳалок бўлгач, уни тоғаси ўзи билан Навоийга олиб келади. Самарқанддаги уйлари эса аммасига қолади. Хонадондагилар бўлар-бўлмасга силталаб, калтаклайверишгач, Санжар тоғасиникидан қочиб кетади. Кўча болаларига кўшилиб ўғрилиққа ўрганади. Дуч келган жойда ётиб юради. Милиция ходимлари уни Қизилтепа туманидаги мактаб-интернатга жойлайдилар.

– Интернетда ўқиб юрганимда бирор қариндошим йўқлаб бормади. Тўққизинчи синфни битираётганимда ҳам биров мендан "Борадиган жойинг борми?" деб сўрагани йўқ. Қўлимга ҳужжатларимни бериб, кўчага чиқариб юборишди, – дея ўша кунларни ўқинч билан хотирлайди Санжар.

Унга туғишган жигарлари қилмаган яхшилиқни етти ёт бегона қилди. Отасиз, ночор оиладан бўлгани учун интернатда тарбияланган Гулнора онаси билан маслаҳатлашиб, Санжарни уйига олиб кетди.

Энди анча улғайиб, эсини таниб қолган Санжар бегона оилада аёл кишининг кўлига қараб яшашдан уялди. Яна кўча болаларига кўшилиб ўғрилиқ қилди. Бора-бора кечаси дўконларни тунайдиган бўлди. Охири қўлга тушиб озодликдан маҳрум этилди. Ўша йилнинг ўзида амнистия бўйича озодликка чиқди. Яна қора тортиб Гулнораларникига борди.

– У мендан бор-йўғи 3 ойлик катта бўлса ҳам, худди опамдай бўлиб қолган, – дейди Санжарнинг меҳри товланаиб. – Ўшанда ўз-ўзимга

"Бўлди, бошқа ўғрилиқ қилмайман, ишлайман" деб сўз берган эдим. Аммо ҳужжатларим топилмай сарсон бўлдим. Прокуратурадагилар судга юборишди. Суддагилар йўқолган дейишди. Ҳужжатсиз биров бир ерга ишга олмайди, ишонмайди. Ҳеч кимга керагим йўқ экан-да, дедим. Хуллас, яна ўғрилиқ қилиб камалдим.

Санжар гапини тугатиб, оғир тин олди.

Суҳбатимизга пойтахтнинг Себзор мавзесида яшовчи Виктор Ибрагимов кўшилди:

– Бу ердан чиқиб борганимнинг эртасига Собир Раҳимов тумани милиция идорасида суҳбатдан ўтаётган эдим. Бир милиционер уч кун олдин содир этилган ўғрилиқни менинг бўйнимга қўймоқчи бўлди. "Ўзим кеча қамоқхонадан чиққан бўлсам, ўтган куни қандай қилиб ўғрилиқ содир этаман", – деб унга қоғозимни кўрсатдим. Шундан кейин ҳам паст тушмайди. "Кўзингга қара, қадмингни билиб бос", – деб дўқ урди.

Маҳалламиз профилактика инспектори уйимизга тез-тез келиб тергаб кетарди. Одам кўни-кўшнилари, тенгдошлари олдида уялар экан. Ундан кўра ишга жойлашиш, паспорт олишимга ёрдамлашса бўларди. Ўзим Собир Раҳимов туманида, онам эса Чилонзор туманида рўйхатда турар эдик. Отам вафот этганлар. Паспорт олиш учун у милиция идорасига борсак бунисига юборишади, бунисига борсак унисига жўнатишади. Биргина онамнинг фаррошликдан топган пули рўзгор тебратишга етмасди. Бу ёқда коммунал хизмат ҳақлари



бирига кириб қўлга тушди. Жазо муддатини ўтаб озодликка чиққанида ётоқхона комендантлари: "Онанг уч ой бурун машина тагида қолиб ўлди. Энди сенга бу ерда жой йўқ. Тўрт томонинг қибла!" – деди.

Бир зумда ҳам онаси, ҳам бошпанасидан айрилиб қолган Тоҳирга дунё қоронғу бўлиб кетди. Аммо осмон йироқ, ер қаттиқ – яшаш керак. Туман марказидаги бир бадавлат хонадонга хизматкор бўлиб ёлланди. Кўникма марказидан олган 13 минг сўм ёрдам пулини ҳам уй бекасига топшириб, керак бўлганда берарсиз, деди. Вақти-вақти билан бирор бошпана беришларини сўраб туман ҳокимлигига ҳам бориб турди. У ер-

бузиб туришини айтишди, – деди Икром ака. – Чақириб суҳбатлашдим. Бинойда йўқ ўсмир экан. "Интизомли бўлиб юрсам, муддатидан олдин озод қилишади. Кейин қаёққа бораман", дейди. Фалати бўлиб кетдим. Ука, "Кўнглингни чўқтирма. Сенга ўзим ёрдам бераман" дедим. Шу кундан юриш-туриши кескин яхши томонга ўзгарди.

Икром ака Тоҳирга йўлига ёрдам бераман деб айтмаган. У яқинда бир уй-жойсиз, ота-онасиз рус ўсмири роҳибхонага жойлаштиради. Илгарироқ эса тошкентлик собиқ тарбияланувчи келиб: "Икром ака, ёрдам беринг. Қамалиб чиққанимни эшитиб турли баҳоналар билан ишга олиш-

келиним ёки куёвим, қудаларимга кўша-кўша сарполар қиламан, деб топганини йиғишади. Ваҳоланки, кўздек кўшниси, яқин жигари ночор яшаётганига, кўчада қолганига эътибор беришмайди. Бир ош берганда юз килолаб гуруч дамлашади. Етти маҳаллани чақиришади. Тўйни ихчамлаштириб, ортган маблағи ҳисобидан бева-бечорага ёрдамлашишни хаёлларига келтирмайдилар. "Ахир, элдан қолиб бўлмайди-да", – дейишади ўзларини оқлаб. Бойни бой десангиз, камбағал ҳам чирангандан чиранади. Оддий одамгарчилик, қавм-қариндошга сийлаи раҳм қилиш эса ёддан кўтарилади. Ваҳоланки, хорижда ихчамгина тўй қилиб, хайрия ишлари билан шуғулланган миллионерлар кўп.

Назаримда, зарарли урф-одатларимиздан халос бўлиш, янги бидъатларга қарши курашиш пайти келди. Энг муҳими, одамгарчилик, меҳроқибат, етим-есир, бева-бечорага мурувват кўрсатишдек асл одатларимизга чинакам ҳаёт бағишлашимиз лозим. Шунда кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади.

У профилактика инспекторими, суд ёки прокуратура ходимими, авваламбор шу халқ фарзандидир. Озодликка чиққан ўсмир қабулига келганида, унинг шундоқ ҳам ўқисик қалбини ўринли-ўринсиз шубҳалар билан баттар ўқситмаслиги лозим. Аксинча, унга қайишсин, далда, керак бўлса амалий ёрдам берсин, йўл-йўриқ кўрсатсин. Токи йўл бошида турган ўсмир адашмасин, Санжарга ўхшаб алам билан: "Менинг ҳеч кимга керагим йўқ экан", – демасин.

Бобомурод ТОШЕВ.

UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + TV OLAM

Ғаройибот

Бир неча йил аввал Москва чеккасидаги кўрим-сизгина уйларнинг бирида бир неча одам йиғилди. Булар милиция полковниги, унинг икки ҳамкасби ва фуқаро кийимидаги уч киши – бир эркак ҳамда икки аёл эди. Полковник келганларга пул босиш учун фойдаланса бўладиган бир неча фотоклише берди. Бояги эркак уларни олиб диққат билан кўздан кечира бошлади. Аёллардан бири фотоклишени тескари ўгириб қўйди, бошқаси эса уни ҳатто қўлига ҳам олмади. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, уч фуқаро бирин-кетин гапира бошлади.

– Соҳилни кўряпман... Киш... Шом, аниқроғи, тун... Қор устида аллақандай нур кўряпман. Соҳил. Соҳилнинг тепарок қисмида тўрт ойнали, ёғочдан қилинган қишлоқ уйи. Деразаларда чироқ нури йўқ.

Худди кинодагидек, ана шу уч киши уйдан оғир сумка билан чиқиб, дарё томонга кетаётган аёл билан эркакни "кўришяпти". Дарё устидаги муз унча қалин эмас, оёқ остида қирсиллайди. Сумкани юпка муз устига қўйишганда у сув остига чўкиб кетади.

Тергов натижаларига кўра, ҳаммаси худди шундай бўлганлиги тасдиқланди. Қалбаки пул ясовчилар қоғоз пул босиш иштиёқига берилмасдан, уларнинг фикрича, етарли миқдордагисини тайёрлаб бўлгач, жиноят қуролини йўқотишга қарор қилишади. Энг ишонарли йўл бу пул босиш "дастгоҳи"ни сувга ташлаш эди. Лекин улар дарёда танлаган жой саёз бўлиб чиқди. Ёзда чўмилаётган болалар "дастгоҳ"ни топиб олиб, уйларига олиб келишади. Ота-оналари эса уйда пайдо бўлган янги "ўйинчоқларга" аҳамият беришади. Шундай қилиб оғир кўрғошин тахталар терговчилар хонасига келиб қолади. Терговчилар энди ушбу жиноятни очишлари керак эди. Бироқ улар ишни нимадан бошлашни билишмасди. Қидирув боши берк кўчага кириб қолгани аниқ бўлгач, ғайриоддий хусусиятга эга бўлган кишилар – фолбинларни чақиришди. Улар аввал ҳам бунақа иш билан шуғулланишган экан.

Чамаси бир йил олдин фотоклишени сувга ташлаб юборган жиноятчилар бу жойдан жуда узокда яшашарди. Полковникнинг хонасига йиғилган экстрасенслар дастлаб "Сибирь", кейин эса "Иркутск шаҳри" дейишди.

– Бир уйни кўряпман, – деди аёллардан бири. – Эски, тош устунли уй. Тепасида чўяндан кўтарилган айвони бор. Ёнида қанақадир фабрика жойлашган. Тахта девор. Дарвоза. Йўлакка кириш жойи... девор. Дарвоза. Йўлакка кириш жойи.

– Уй кулранг, ифлос, – давом этди иккинчи аёл. – Зина. Зина-поя панжараси кўчириб ташланган. Иккинчи қават...

Жиноятчиларнинг ташқи қиёфаси, жойлашган жойи шу қадар аниқ тасвирлангандики, изкуварлар ҳеч қандай қийинчилик-

сиз топишди. Энди фақат иккинчи қаватга кўтарилиб, керакли эшикни тақиллатиш қолганди, холос.

Бу ноёб ва сирли қобилият бўлмиш башоратчилик хусусиятига эга бўлган кишилар ёрдамида

Савол туғилади: улар жиноятчилар қурбони бўлишдими ёки ўзлари жиноят содир қилишди-ми? Терговчиларда на у, на бу тахмин бўйича ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Ниҳоят Лариса исмли фолбинга мурожаат этишга қарор қилишди. У ғойиб бўлган аёлларнинг суратларини кўрсатишларини сўради ва расмларга қараб дарҳол уларнинг ўлганликларини айтди. Мурдалар қаердалигини топиш учун башоратчига Смоленскнинг батафсил харитаси керак бўлди. Лекин Лариса уларни шаҳарда "кўрмади". Шунда яқин атрофнинг харитасидан фойдаланишди. Бу ерда у ғойиб бўлган аёлларнинг мурдаларини "кўрди". Башоратчи дарё соҳилидаги жойни айтиб, аёллар ярим метрча чуқурликка кўмилга-

ди, деб билдилар. Кўзлар башқача кўриниб, лаблар ўзгача жилмаяркан. Лекин айримларда бундай ўзгаришлар ўлимдан кейин дарҳол содир бўлиб, баъзиларда анча вақтдан кейин юз беради.

Бир куни Д. Ларисага ҳарбий учувчининг отаси мурожаат қилди. Унинг ўғли йўқолганди. Д. Лариса ёш ва келишган йигитнинг расмига тикилиб туриб унинг тириклигини ҳис қилди. Бу ҳақда безовталанган отага айтди. Лекин йигитнинг бутун танаси тимдаланиб, яраланганлиги ва уни тезда чорраҳа ёнидаги кичик ўрмондан қидириш кераклигини айтди. Милиция ва учувчининг яқинлари у ерга боришди. Улар учувчини топишди, аммо у ўлган эди. Д. Лариса ушбу йўқотишни юрагига жуда яқин олди. У хато қилиб

марта телефон қилиб, ҳеч нарса гапирмаган экан.

Уша заҳотиёқ унга А. Светлана-нинг кўчада бир йигит билан кучоқлашиб кетаётган "кўринди". У йигитни ҳам аниқ-равшан "кўрди". Бундайларни барно йигит дейишади. Ёшлар уйга кириб, тушлик тайёрлашди. Ҳаммаси яхши эди. Башоратчи яна бир нарсани сизди – уйига қиз ёки у ҳақдаги янгиликлар икки ойдан кейин келиши керак эди. Буларнинг барисини экстрасенс қизнинг яқинларига айтиб берди. Худди шундай бўлди ҳам. Икки ойдан кейин қиздан хат олишди, тезда унинг ўзи ҳам қайтиб келди...

"Мен шундай бўлишни билардим!". "Худди шу нарса содир бўлишни сезардим!" Ҳар биримиз ҳаётимизда юз берган у ёки бу воқеа сабабли айтилган ушбу жумлаларни эслаймиз. Сезиш ҳар бир инсонга хос бўлса керак. Лекин "олдидан билиш" нима дегани? Агар келажақдан келган ана шундай маълумотга эга бўлсанг, олдиндан чоралар кўриб, кейин ўзингдан ўйланмасдан қилган ишларинг учун ўпкалаб юрмайсан. Инсонда кела-

БАШОРАТЧИЛИК — НОЁБ ҚОБИЛИЯТ

очилган ягона жиноят эмас...

... Москва яқинидаги ўрмон четидан ёш аёлнинг мурдаси топилди. Жиноят гувоҳлари бўлмаган. Қидирув гуруҳи ҳамма жойни синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Ҳаммаси зое кетди. Қотил ҳеч қандай из қолдирмаган. Жиноят жойидан топилган ягона нарса – икки-учта сўз ёзилган бир парча қоғоз эди. Кўринишидан бу қандайдир хатнинг бир қисми эди. Унинг кимга тегишли эканлигини аниқлаб бўлмади. Балки бу қоғоз парчасининг ишга ҳеч қандай дахли бўлмагандир. Бироқ у қотилнинг чўнтагидан тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Бу кичик бўлса-да, ҳар қалай умид эди.

Ва яна худди кинодагидек бўлди. Фолбинлар дастлаб одамни "кўришди". Унинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирлаб беришди. Кейин у яшаган хонадон, уй ва кўчани тасвирлашди. Ниҳоят, жиноят жойидан минг қақирим узокликда жойлашган Пересь шахрини айтишди. Тергов гуруҳи олган маълумот керакли далилларни йиғишда асқотди. Ҳеч ким ҳеч қачон ўзини топа олмаслигига ишонган қотил қўлга олинди, суд олдида жавоб берди.

Яна бир воқеа. У Смоленскда юз берган. Икки аёл – ҳисобчи ва кассир банкдан катта миқдордаги пул олгач ғойиб бўлишган.



нани айтди. Кўрсатилган жойга борган қидирув гуруҳи ҳақиқатан ҳам чуқурга кўмилган мурдаларни топишди. Ҳа, аёлларни ўлдирган эди. Лекин ким? Лариса Д. қотилнинг ташқи қиёфаси, ҳайдайдиган машинасини батафсил тасвирлаб берди. У эркакнинг ҳокимиятга эга бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига алоқаси борлигини айтди. Бундан ташқари, фолбин аёл бу эркак ўлган аёлларнинг бири билан яқин алоқада бўлганлиги, катта миқдордаги пулга эгалик қилиш учун у билан тил бириктириб, кейин иккаласини ҳам ўлдирганлигини айтди. Бу олдиндан ўйланган ва тайёргарлик кўрилган жиноят эди. Агарда Д. Лариса ёрдам бермаганда, жиноятчи жазосиз қоларди. Жиноятчи шаҳар прокурори бўлиб чиқди.

Д. Лариса суратга қараб, киши тирик ёки ўлганлигини аниқлай оладиган ягона инсон эмас. Баъзилар бунинг сабабини киши ўлганда унинг сурати ҳам ўзгара-

одамларни асосиз умидвор қилганидан ташвишда эди. Д. Лариса суратга қайта-қайта тикилиб, унда тасвирланган инсон тириклигини кўрарди. Лекин сурат гўё сўниб борарди. Д. Лариса суратни бир неча кун кузатиб, ундаги ҳаёт учкуни аста-секин сўнаётганини сезди. Учувчи ўлимининг учинчи кунда

ўша учкун бутунлай йўқолди.

Ушбу воқеадан кейин Д. Лариса кўп бор бошқа ўлган кишиларнинг суратидаги ўзгаришларни текширди. Аниқлашча, агар инсон ўз ажали билан ўлган бўлса, сурат дарҳол сўнар экан. Агар киши ўлдирилган бўлса, фақатгина учинчи ёки тўққизинчи кун шундай бўлади...

... Экстрасенс А. Светланага уйдан ғойиб бўлган ўн етти ёшли қизнинг ота-онаси мурожаат қилди. Фолбин орадан икки ҳафта ўтган бўлса-да, дарҳол қизнинг тириклигини айтди. А. Светлана инсоннинг тирик ёки йўқлигини аниқлаш учун на унинг буюмлари, на суратидан фойдаланади. Бу гал йўқолган қизнинг ота-онаси унга фақат телефон қилишди, холос. Улар билан суҳбатлашиб, экстрасенс қиз тўсатдан йўқолгандан кейин телефон кўнғироғи бўлган-бўлмаганлигини сўради. Аниқланишча, кимдир бир неча


жақдаги воқеаларни кўра билиши, сезиши бўйича қатъий ишонч қаердан, қандай пайдо бўлади?

Машҳур руҳшунос В. Левиннинг таъкидлашча, ҳар биримиз худди пича кўшиқ айтишни, озгина расм чизишни билганимиздек тузилганимизданок олдиндан айтиб бериш қобилиятига ҳам эга бўламиз. Тўғри, ўқитиш ва зарур тарбиявий муҳит сабабли инсондан қўшиқчи, рассом, башоратчи чиқиши мумкин. Ҳаётнинг ўзи ўзининг ғаройиблиги: гоҳ қиёмат қойим, гоҳ атом уруши олдидаги кўркувлари билан бизни ақлий, ҳиссий ва ички сезгиларимиз ривожлантиришга ўргатади.

Экстрасенслар баъзида ўзларининг ғайриоддий қобилиятлари намён бўлиши олдиндан тушларида черков, хоч кўрганликлари, кўшиқлар эшитганларини айтишади. Баъзан эса тушларида доимо учиб юрадилар. Тескариси ҳам юз берган: инсон тушида учмай қўйган, ҳаётда эса кечагина эга бўлган қобилиятини йўқотган.

Кўпчилик олдиндан кўра билиш қобилиятини ич-ичига бекитади. Шунинг учун гоҳида улар "ички овоз" эшитишади, кўнгиллари алланималарни сезиб нохуш бўлади. Аммо доимо турмуш ташвишлари билан чопиб юришимиз бу "сигналлар"га эътибор қилишимизга ҳалақат қилади. Айна пайтда ҳақиқатан ўта ривожланган экстрасенслик қобилиятига эга бўлганлар ҳам бор. Аммо бундайлар жуда кам.

Бу турфа олам



ТИМСОҲНИНГ ЗАИФ ЖОЙИ

Иссиққа чидамаган малавилик (Шарқий Африка) 43 ёшли Мак Боско Чавинга Ньяса кўлидаги кимсасиз бандаргоҳ ёнида чўмилмоқчи бўлди. У бемалол сувга тушди-ю, сузиб кетди.

Вақт айна тушлик пайти бўлгани боис очликдан ўлжа излаб чиққан тўрт метрлик тимсоҳ ҳам айнан Чавинга чўмилаётган жойда сузиб юрарди. Тимсоҳ оғзини катта очди-ю, "ўз оёғи билан келган" ўлжани сузишга чўзилган қўлларидан тортиб юта бошлади.

Қўллари елкасигача тимсоҳнинг оғзига кириб, у билан юзмаюз бўлиб қолган Мак ўзини йўқотмади – жон-жаҳди билан тимсоҳ бурнининг учидан тизлаб, унга осилиб қолди. Бундай ҳужумни кутмаган тимсоҳ оғзидаги ўлжани "туфлаб" юборди-ю, сувга шўнғиди. Амаллаб қирғоққа сузиб чиққан Макни кўрган балиқчилар уни сувдан чиқариб, "Тез ёрдам" чақирдилар.

Маълум бўлишича, тимсоҳларнинг энг юмшоқ ва заиф аъзоси бурни экан. Мак бу ҳақда эшитмаган, жонини асраш учун тимсоҳнинг дуч келган жойига ёпишиб, ҳаётини асраб қолишга уринган ва бу жой тимсоҳнинг бурни бўлиб чиққан экан.

ҚЎРИҚЧИ ЙЎЛБАРС

Болгариянинг гарбий қисмидаги Селиетен Дол қишлоғи аҳолисини кейинги пайтда қинғир ниятли кимсалар безор қилишди. Кунига ўғрилиқ, босқинчилик, уй ҳайвонларини олиб кетиш каби турли жиноятлар содир бўлади. Масалан, истеъфодаги генерал Костадин Костадиновнинг хонадонини кейинги икки ойда уч марта "тозалаб" кетилди.

Ўғриларнинг "ташрифи"-

дан безор бўлган генерал улардан қутулишнинг антиқа йўлини топди. Яъни Софиядаги ҳайвонот боғига бориб, Ража лақабли бенгал йўлбарсини сотиб олди ва у генералнинг уйинигина эмас, бутун қишлоқни сидқидилдан қўриқлай бошлади.

Ража ўта кучли ва сержаҳл "йигит" бўлиб, паровоз овозидан ҳам кучлироқ овозда бўкиради. Айниқса, кўли эгри "меҳмонлар"ни

у дарҳол пайқаб, бир наъра тортдики... эси тескари бўлган ўғригиналар шу қочганича шарқий Болгарияга ўтиб кетган шекилли, қораси қўринмай кетди.

Ражанинг "пойқадами" боис ўғрилардан қутулган дехқонлар уни ҳар кун хом гўшт, товук каби егуликлар билан сийлаб, иззатини жойига қўймоқдалар.

Дарвоқе, генералнинг ҳовлисида боқиладиган ва ўғриларга бас келолмаган тўрт кўпак Ражага ўта ҳурмат билан муомала қилишмоқда.

ЭРИНИ «ТАРБИЯЛАДИ»...

– Бу қурол қандай ишлашини айтмасанг, пешонангдан дарча очиб қўяман, – дея қўлидаги милтиқни ўқталиб эрини кутиб олди вермонтлик 30 ёшли Лори Пратт.

Кўрқиб кетган эр милтиқдан фойдаланиш тартибини тушутиргач, у яна ҳам даҳшат билан:

– Сен, ярамас, фарзандларимиз ўсаётган хонадонга қайси виждон билан беҳаё фильмлар ёзилган кассета олиб келдинг? – дея ўдағайлади. – Мана, қилмишинг учун.

Милтиқ отилди. Эр хусусиз йиқилди. У касалхонада хушига келиб, терговчига бор гапни айтди. Бироқ иш Лорини судлашга келганда Деннис ўйлашиб қолди.

– Лори ҳечам мени отмоқчи эмасди. У деворга қарата ўқ узди, лекин у беҳосдан менга тегди, – дея терговчини ишонтиришга уринди.

Бироқ унинг илтижолари хотинини қамоқ жазосидан қутқара олмади. Ҳозирда Деннис икки ойга озодликдан маҳрум қилинган умр йўлдошига икки фарзанди билан егулик ташимокда.

АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Россия юриспруденцияси тарихида биринчи марта Москва суди мушукни ўлдирган қотилга айблов ҳукми чиқарди.

"Пахмоқ" лақабли зотли мушукча тўрт-ёшли хўжаси ва унинг ота-онаси билан коммунал уйда истикомат қиларди. Пахмоқ йўлакка юғуриб чиққанда ҳамиша маст бўлиб юрадиган кўшни йигит атайлаб унинг думидан босади. Мушукнинг жон аччиғида миёвлашига кичкинтой уй эгаси, ота-онаси юғуриб чиқишганда кўшни йигит мушукчани қўлига олиб, уларнинг кўз олдида... деразадан кўчага улоқтиради. Бешинчи

қаватдан тушган мушукча тил тортмай ўлади.

Бу ваҳшийликни кўрган бола кучли жазавага тушади. Фарзандининг аҳволини кўрган ота-она милицияга ариза берадилар.

Суд ичкиликка муқассидан кетиб, нима иш қилганини эслаб олмайётган йигитнинг қилмиши учун бир йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб этиш ва маошининг ўн фоизини давлат фойдасига ўтказишга ҳукм чиқарди.



«ҚОИДАБУЗАР» НЕЧА ЁШДА?

Британиянинг Эссекс графлигида констабель тезликни оширган автоҳаваскорни тўхтатиб, қондани бузгани учун 40 фунт-стерлинг жарима солди.

Бу мамлакатда жарима тизими шундайки, ўз вақтида тўланмаса, кундан-кунга "ўсиб" кетаверади. Констабелга ўзини Жей Макк деб таништирган автоҳаваскор бу қондани билмайди шекилли, тўламай юрарди. Унга жарима миқдори 100 АҚШ долларига ет-

— Шу матоҳингиз ейилиб қолмайди-ку, ўрнига янгисини олиб бераман, фермерга сўз бериб қўйганман ахир, тушунсангиз-чи! Бормасам, эртага унинг юзига қандай қарайман?

— Янгисини хотинингизга олиб бер, ўғил туғиб беради, — дейди дағдага билан ака.

Ўртада шармсиз гаплар билан ҳақоратлаш бошланади. Ака-укаларнинг бақир-чақирини эшитиб, қўшнилари “томошага” чиқишди. Бу шармандаликдан ори келган ука, резина ичакни олиб, акасининг олдида улоқтирди. Буни ўзича ҳақорат деб билган ака уни қўлига олиб, укасининг бошига урди. У резина ичакка ўрнатилган темир мослама зарбидан гандирақлаб бориб йиқилди. Боши ёрилиб мияси қаттиқ лат еганди. Ниёз бироз ўтиб шу жойда жон таслим қилди.

Ё, алҳазар! Бир ота-онанинг фарзандлари ўртасидаги жанжалга, яна энг хунуги бирининг ўлимига қандайдир резина ичак сабаб бўлса? Ука айтган ана шу “матох” нари борса уч-тўрт минг сўм туради. Бир одамнинг ҳаёти шунчалар беқадрми? Инсонийлик, аканинг укага меҳри, оқибати қаерда қолади? Яхши кундаям, ёмон кундаям бир-бирига ҳамдам, йўлдош бўлиб яшаш, ҳар бир масала, муаммони бамааслаҳат ҳал этиш ўрнига ёвлашиб, бири-иккинчисининг ҳаётига зомин бўлса?

Фақат ўзини ўйлаш, тирикчиликни рўқач қилиб атрофга назар солмаслик, бориға шукр қилиш ўрнига бойлик ортидан қувиш ҳар қандай инсоний фазилатлардан жудо қилади.

Бухоро вилоятининг Олот туманида бўлганимда “Чандир” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жўра ака Каримов билан суҳбатлашиб қолдим. Гап айланиб қишлоқ аҳолисининг турмуш

тарзи, маданияти ва бир-бирларига бўлган муносабатига келиб тақалди.

— Ука, айрим кишилар ўртасида оқибат йўқолиб бораётганга ўхшайди назаримда, — деди суҳбатдошим. — Яқинда икки ака-ука отадан қолган бир парча ерни таллашиб, қирпиқоч бўлишди. Наридан бора бир сотих чиқадиган ер учун икки туғишган жигаргўша юз кўрмас бўлиб юрибди. Кеча икки қўшнингнинг арзини кўриб чиқдик. Қачонлардир экилган ўрик дарахти икки ҳовлининг ўртасига тушиб қолган. Мева-си пишиди дегунча талаш бўлади, денг. Охир-оқибат дарахт кесиб ташлангач тинчишди.

Жўра ака шу сўзларни айтаяптию ўзи хижолат бўлиб, кўзини олиб қочади.

— Балки турмушдаги қийинчиликлар туфайли шундайдир, — дея сўрадим.

— Йўқ ука, айримлар фақат бугунни ўйлайдиган бўлиб қоляпти, — дея давом этди у. — Нафс қўлига айланган кишининг қалби кўр бўлиб қолади, дейишгани рост гап экан. Бошига тушган озгина қийинчиликка дош беролмай инсонийликни унутадиган кишилардан меҳр-оқибат кутиб бўладими?

Халқимиз орасида бағри кенг инсонлар кўп. Одамларга меҳр-оқибат кўрсатишда бошқа миллатларга ўрнатилган аризулик ишлар ҳам қилинаётганидан фахрланамиз. Бироқ орамиздаги айрим кишиларнинг бу юксак инсоний фазилатни унутиб, нопоклик, виждонсизлик, очкўзлик балосига йўлқаётганлари ўйлантириб қўяди. Уларга қарата ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг “Қўриқхона” шеърини бир парча келтиришни лозим топдик:

*Оқибатни асранг, оқибат гўё
Айиқдай қайдадир*

топмасин завол.

*Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё
Оташга дуч келган*

полапан мисол.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.



чўзган инсонларни ҳар қанча қадрласак, кам. Меҳр-оқибат нима, дея савол берганларга уларнинг эзгу ишлари ҳикоя қилиб берилса кифоя, албатта.

Бироқ унинг акси ҳам бўладики, фақат афсус билан тилга оламиз. Тезкор маълумотдан олинган мана бу хабарга эътибор беринг-а:

“Жиззах туманидаги Ровот қишлоғида яшовчи Э. Икром укаси Э. Ниёзни уриб оғир тан жаро-

маси тешилиб, мойи оқиб ётибди. Акам бугун ишга чиқмайди-ку, деган ҳаёлда унинг тракторидаги резина ичакни ечиб, ўзиникига ўрнатаётганда акаси келиб қолади.

— Эрмат фермерга хашагини олиб бориб бераман деб ваъда бергандим, — дейди у акасига илтижоли қараб.

— Сенга керак тирикчилик менга керакмасми, қани, олган нарсангни жойига қўй-чи, — дейди ака ўшқириб.

Маърифат дари

Саодат қалити

Аллома бобомиз Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида маърифат саодатга эришишнинг асосий йўли экани ҳақида пурмаъно сўзлар битилган. Саодатли ҳаёт кечиришни истаган киши маърифатли бўлиши лозим. Бунинг учун инсон туғилганданоқ зиё чашмаларидан бахраманд бўлиши керак.

“Маърифат” тушунчаси кенг маънони англатади. Уни фақат илм ўрганиш, билимли бўлишдан иборат десак тўғри бўлмас. Инсон маърифатнинг дастлабки белгиларини оилада ўрганади. Сўзлашиш, муомала, атрофга муносабатда бўлиши ота-онасидан ибрат олади. Одамийлик фазилатлари оилада шакллана бошлайди. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларига яхши феъл-атвор билан ибрат бўлишлари керак. Ҳаётдан, оиладан олинган ибрат инсоннинг қай даражада маърифатли бўлишига замин яратади. Яхшини ёмондан ажрата билиш учун уларнинг натижасини англаб етиш керак. Бунда албатта ёш мурғак тасаввурга эга фарзандга ота-она ҳар томонлама тўғри тарбия бериши шарт. Ниҳол озгина эгилса, қий-шиқ ўсади, фарзандга яхши хислатларни сингдириш унинг маънавий пок бўлиб ўсишини таъминлайди. Ҳаётнинг ўзи мактаб, яъни маърифат бешиги эканлигини бола онгига сингдириб бориш зарур.

Илм-маърифатнинг асосий манбаи Қуръони Каримда ҳам бешиқдан қабригача илм ўрган, деб ёзилган. Демак, инсон бутун умри давомида ўрганиш, изла-нишдан чарчамаслиги керак. Ички ишлар идоралари ходимларидан касб сирларини пухта эгаллаш, ма-хоратни ошириш учун тинмай изланиб боришлари талаб этилади. Фақат касб-га оид эмас, бошқа соҳалардан ҳам хабардор бўлиш учун оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрларидан бахраманд бўлишлари, китоб мутолаа-этишлари зарур.

Инсон ўрганганларини идрок эта олсагина уни илмли дейиш мумкин. Яъни, олган билимининг ҳаётга татбиқ этиши, бошқаларга ўргатиши лозим. Халқимизда илмсиз киши, мевасиз дарахтга ўхшайди, деб бежиз айтилмайди. Илмидан бошқаларни баҳра-манд этиш, маърифатни ёйиш демакдир. Ички ишлар идораларида мураб-бийлик ҳаракати кенг йўлга қўйилляпти. Кўп йил-

лар ички ишлар идораларида хизмат қилган кекса авлод вакиллари ёш ходимларни оталиққа олганлар. Улар ўзларининг бой тажрибаси, билими ва касб сирларини ёшларга ўргатиб уларнинг маҳорати ошишига катта ҳисса қўшиляпти.

Ўзбек тилида маърифат-парвар деган пурмаъно сўз бор. Асл инсонларога нисбатан ишлатиладиган бу сўзнинг маъно, мазмуни тўлиқ очиб берилса катта китоб бўлади. Агар маърифатни саодат қалити десак, маърифатпарвар киши саодатга бошловчидир. Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Алишер Навоий, Огаҳий, Фурқат ва бошқа шоиру алломаларни ҳақли равишда маърифат-парвар деймиз. Улар кишиларни илм олишга ундаб, унинг беқиёс аҳамиятини тарғиб этишди. Мадрасалар очиб, кишиларнинг савод чиқаришлари, диний ва дунёвий билимларни эгаллашлари учун имконият яратиб бердилар.

Маърифатли кишининг маънавияти ҳам юқори бўлади. Камолот чўққисига етишнинг қалити маърифат экан, инсон аввало илмли бўлиши лозим. Зеро, шоир айтганидек:

*Кўнгилларнинг сурури
илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури
илмдандур.*

Маънавий — сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

Ички Қўшинлар барча қисм ва бўлинмаларини доимий жанговар шайлик ҳолатида сақлаш ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва жонажон вазифаси ҳисобланади. Жанговар шайлик — Ички қўшинлар жанговар салоҳиятининг асосий кўрсаткичи, уларнинг ҳар қандай вазиятда ва белгиланган вақтда жанговар ҳаракатларни бошлашга тайёрлиги ва қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қодирлигидир.

Бу эса ташкилотчилик, қўшинларнинг юқори тартиб-интизоми, турли вазиятларда ишончли ва аниқ бошқарилиши билан таъминланади. Қисм ва бўлинмаларнинг юксак жанговар шайлиги шахсий таркибнинг юксак онглилик даражасига, Ватанни ҳимоя қилиш учун масъулиятни тўлақонли тушуниб етишга, жанговар буйруқни керак бўлса жонини фидо қилиб бўлса ҳам бажаришга доимо тайёрлигига асосланади. Бунда аскар, сержант ва офицерларнинг олган билимлари, тезкор-тактик ва техник тайёргарлиги муҳим ўрин тутди.

Фан ва техника тараққийнинг ҳарбий ҳаётга ва фаолиятга таъсири остида замонавий жанг хусусияти ўзгариб, вақт омилининг роли ошиб бормоқда. Қисм ва бўлинмаларнинг тезда жанговар шайликка келтирилиши долзарб масалага айланди. Ҳозир бу вақт дақиқалар ва ҳатто сониялар билан ўлчанади. Шунинг учун қўшинларни қисқа

вақт ичида жанговар шайликка келтиришни, тинчлик ҳолатидан жанговар вазифани бажаришга ўтказишни билиш лозим.

Жанговар тайёргарлик шахсий таркибдан ўта хушёрликни, турли ахборот — руҳий таъсирларга қарши тура билишни талаб қилади. Бу вазифани бажаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бермоқ лозим:

— душманнинг ҳарбий можарони кутилмаганда бошлаш учун қилаётган ишлари ва қўллаётган усулларини ҳар томонлама тезкор ўрганиб бормоқ;

— ахборот тарқалиши, ҳарбий сирлар очилиши мумкин бўлган каналларни йўқ қилиш;

— босқинчилар тажовузининг олдини олиш ва шу заҳоти муносиб жавоб қайтариш;

— жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича махсус машғулотлар ташкил қилиш ва шу қабилар.

Хушёрлик ва жанговар шайликни ошириш, миллий хавфсизликни таъминлашни биз давлатимиз манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ташқи ва ички таҳдиддан ишончли ҳимоя қилиш, деб тушунамиз. Мақсадимиз — Ватанимиз хавфсизлиги ва халқимиз тинч меҳнатини муҳофаза қилишдир. Ушбу улғу ҳамда шарафли ишга барча куч, билим ва тажрибаимизни бахшида этаверамиз.

Республика ИИБ Ички Қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

ЖАНГЧИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Терроризм — миллат ва чегара билмас офат

МАТРЁНА БУВИ

ТЕРРОРЧИНИ УШЛАДИМИ?

Сўнгги кўпоровчилик ҳолатларидан сўнг Россия аҳолиси анча сергак тортиб қолди. Орёл шаҳрилик 82 ёшли Матрёна Ивановна бунга мисол қилиб келтирса бўлади. У эрталаб ўзига ўхшаган уч-тўрт кампир билан уйи олдида гап сотиб ўтирган эди. Қараса, қора рўмол ўраган бир аёл бутазор орасидан чиқиб келиб, ҳовлида турган машиналарнинг ичига қараб чиқа бошлади. Кейин сумкасидан уяли телефон олиб, нотаниш тилда тез-тез нималардир деди.

Матрёна буви воқеанинг ривожини кутиб ўтирмади. Нотаниш аёлнинг олдида бориб шартта:

— Кимсиз? Бу ерда нима қиляпсиз? — деб сўради. Аёл дарҳол телефонини халтасига тикди. Ўзини кар-соқовга солиб ғалати овоз чиқарди ва чўнтагидан бир дона шафтоли олиб, ярмини кампирга узатди.

Кейинги воқеалар ҳақида Матрёна буви шундай ҳикоя қилади:

— Мен шартта унинг қўлидан ушладим! Сумкасини тортиб олмоқчи эдим, у силтаниб “Шу ерда яшайман”, — деди. “Бу атрофда яшайдиганларнинг ҳаммасини танийман”, — дедим. Кейин кампирларга: “Ҳой, милицияга сим қоқинглар. Мен айғоқчини ушладим”, — деб бақирдим.

“Милиция” сўзини эшитиб жувонмарг қўлимдан чиқиб қочди. Кетидан болапақирлар қувиб кетишди. 10 ёшли Коля Попов билан 12 ёшли Владик Шманёв унга ертўлага кирган жойида етиб олишди.

Болаларнинг айтишича, аёлнинг кетидан бир эркак ертўлага кириб, унинг сумкасини олиб қочиб кетган. Аёл ҳам қочмоқчи эди, болалар уни чалиб йиқитишган. Шу пайт етиб келган мили-

ция ходимлари аёлни машиналарига ўтқизиб олиб кетишган.

Сўнг, гувоҳларнинг ҳикоя қилишларича, етиб келган кинологлар хизмат итлари билан ертўлалар ва йўлақларни текшириб чиқишди. Ҳуқуқ-тартибот ходими Матрёна бувининг олдида келиб анча сўраб-суриштирган.

“Комсомольская правда” газетаси мухбирлари мурожат қилишганда, Федераль хавфсизлик хизмати бошқармасининг Орлов вилояти бўйича ходими бу борадаги саволга жавоб қайтаришдан бош тортди. Вилоят ИИБ матбуот хизмати бошлиғи Марина Костикова эса:

— Ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг сергаклиги тўфайли Орёл шаҳрида яшовчи аёл қўлга олинди. У руҳий-асабий касалликлар диспансерида рўйхатда туради. Текширишлар давом этяпти, — деди.



МЕҲМОНХОНАДА ҚЎПОРУВЧИЛИК

Индонезия пойтахтидаги “Мариотт” меҳмонхонасида “Ал-Қоида” халқаро террорчилик ташкилотининг Осиёдаги бўлими “Жамоаи Исломия” аъзолари портлаш содир этишди. Натижада 15 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлди, 150 нафардан зиёд одам жароҳатланди.

Индонезия полициясининг баёнотида кўра бомба меҳмонхона олдидаги юк машинасига жойлаштирилган. Гуруҳ аъзолари бу билан Гуантанамода (АҚШ) сақланаётган жангарилар ўлимга маҳкум қилинадиган бўлса, янги террорчилик

ҳаракатлари содир этишлари ҳақида огоҳлантирмоқчи бўлдилар. Сингапурда чиқадиغان “Стрейтс таймс” газетасига берган хабарида “Жамоаи Исломия” вакили “Агар улар мусулмон биродарларимизни қатл этадиган бўлишса, биз Индонезияда ва бутун минтақада янги террор кампаниясини бошлаймиз”, — деди. АҚШ ҳукмати бу террорчилик ҳаракатини кескин қоралаб, Индонезияга ўз ёрдами таклиф қилди. Оқ уй матбуот котибининг билдиришича, Вашингтон маъмурияти террорга ва терроризм илдизларига қарши қаратилган чораларни қўллаб-қувватлайди.

МАФИЯНИНГ ЯНГИ БИЗНЕСИ

Рус мафияси Мексика наркотики бизнесини аста-секин ўз назоратига оляпти. Буни Мексика ва АҚШдаги расмий вакиллар, шунингдек, қатор нуфузли экспертлар таъкидлашяпти.

Мексика Бош прокурори офиси қошидаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи Луис Васконселос “Рус мафияси аъзолари ўта профессионал ва хавфли” эканлигини тан олган.

Рус мафиячилари Колумбия ва Мексикада илк бор 90-йилларнинг бошларида пайдо бўлишди. Аммо уларнинг омад юлдузи 2002 йилдан порлай бошлади. Мексика наркомафияси бошлиғи Бенжамин Ареллано-Феликс ва унинг ўнлаб ёрдам-

чилари қамоққа олинган, бу уюшган жиноий ташкилот таркибига рус мафиячилари синга бошлади.

Майами университети мутахассиси Брюс Бейглининг фикрича, рус жангарилари мексикалик “ҳамкасблари”га қараганда ваҳшийроқ ва олғирроқ. Улар ўз “ишлари”ни ими-жимида қилишади. Бойликларни, кучларини ҳам кўз-кўз қилишмайди. Масалан, тилла занжирлар тақишмайди, одамларни аралашмайди, дарёларга ташлашмайди. Рус мафиячилари АҚШга жўнатиладиган катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини кузатиб боришади. 2001 йил апрелида АҚШ қирғоқ полицияси 13 тонна кокаин ортлган, рус ва украинлардан иборат жиноий тўда кузатувчилик қилган кемани қўлга олган.

Исроилда биринчи бомба-одам бундан ўн йил бурун пайдо бўлган эди. Ҳозирда мамлакатда йилга элликка яқин террорчилик содир этилади. Бу тахминан ҳафтасига битта дегани. Барча сайёҳлар (маҳаллий аҳоли вакиллари айтмаса ҳам бўлади) биров кўча-кўйда қолдириб кетган сумка ҳаёт учун хавфлилигини билишади.

ЎХШАШ ПОРТЛАШЛАР

ЖУРНАЛИСТ САВОЛЛАРИГА ИСРОИЛ ДАВЛАТИ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ МАТБУОТ АТТАШЕСИ МИХАЭЛ БРОДСКИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

— Исроилда терроризмга қарши қандай курашилиши ҳақида гапириб берсангиз...

— Мамлакатимиз террор балосига анча илгари тўқнаш келган. Шунинг учун унга қарши кураш борасида анчагина тажриба тўплаганмиз. Энг асосий хулосамиз — террорчиларнинг ўзигагина қарши курашиш етарли эмас. Улар занжирнинг сўнгги халқаси, холос. Авваломбор, уларни тайёрловчи, йўналтирувчи ва моддий жиҳатдан таъминловчиларга қарши курашиш лозим. Шунингдек, аҳолини муҳофаза қилиш керак. Гап биринчи галда оммавий тадбирлар чоғида, одамлар гавжум бўладиган жойларда, жамоат транспортида хавфсизлигини таъминлаш устида кетяпти. Исроил ҳукумати бунга етарли маблағ сарфлайди.

Хавфнинг олдини олишга катта аҳамият берилаяпти. Махсус хизматлар бомбалар, портловчи мосламалар тайёрланадиган лабораторияларни излаш билан шуғулланишади.

— Ўзини курбон қилувчи террорчиларни ушлашнинг имкони бўляптими?

— Ҳа, бир қанча ҳолатларда бу-

нинг уддасидан чиқилди. Террорчиларни тўхтатган соқчилар ҳалок бўлган ҳоллар ҳам бўлди.

— Исроил фуқаролари учун одамлар гавжум жойларда ўзларини қандай тутишлари лозимлиги бўйича бирор эслатма, қоида борми?

— Ҳа, буни ҳар бир исроиллик билади. Ҳар қандай одамдан сўранг, у сизга шубҳали нарсаларга тегмаслик, кўча-кўйда сумка, жамодонларни қолдирмаслик лозимлигини айтишади. Бу одамлар учун одатга айланган. Улар ҳушёрлиги шарофати билан бир неча бор хавфнинг олди олинди.

— Исроилда шубҳали нарса топилса нима қилинади?

— Вазиятдан келиб чиқилади. Одатда ўша жойга зудлик билан полиция етиб келади. Одамлар хавфсиз жойга кўчирилади. Шундан сўнг полиция работи ишга тушади.

— Москвадаги террорчилик ҳаракатлари Исроилда содир этилганларига ўхшайдими?

— Ҳа, ўхшаш томонлари кўп. Бу авваломбор ҳар икки ҳолатда ҳам мақсад йўлида ўзини портлатиб юборувчи шахслар иш кўришида намоён бўлади.

«КП»

КАШИРКАДАГИ ФОЖИА

Босқинчи қизни ваҳшиёна ўлдирди,
сўнг милиционерни отиб ташлади

Бир неча йил бурун бу ерда бутун бошли кўп қаватли уй портлатилган эди. Кеча яна бир фожиа юз берди.

... Бельскийлар мебелларнинг бир қисмини сотмоқчи эдилар. Газетага эълон беришди. Эрталаб Любовь Владимировна бозорга йўл олди. Туш пайти унинг уяли телефонига қизи кўнғироқ қилди. Лена:

— Она, харидор келди, — дейишга улгурди, холос. Тўсатдан алоқа узилди. Аёл уйига кўнғироқ қилди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Любовь Владимировна хавотирланиб ўша яқинда яшайдиган опасига сим қоқди:

— Бир нима бўлди, шекилли, — деди у. — Бизникидан хабар олчи. Ўзим ҳам ҳозир етиб бораман.

Чилангар Николай ўша пайтда шу уйда жойлашган идорада ўтирган эди. У Бельскийларни жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам Ленанинг холасига кўнғироқ қилишга рухсат берди. Аёл ҳеч ким эшикни очмаганини тушунтирди. Телефонга ҳам жавоб бўлмади. Аёл кўнгли мудҳиш бир нарсани сезгандай мунғайиб йўлак зинасига ўтириб қолди.

— Кейин мен асбоб-ускуналаримни олиб, навбатдаги чақирувга бориш учун йўлакка чиқдим, — дея ҳикоя қилади Николай. — Шу пайт бировнинг “ёрдам беринглар, ўлдирингиз!” деб бақирганини эшитдим. Йўлак олдида келиб тўхтаган таксидан ҳайдовчи отилиб ту-

шиб, ичкарига югуриб кирди. Мен ҳам болтани олиб унинг кетидан лифтга интилдим. Олтинчи қаватга кўтарилганимизда, у ердаги аёллар қотил зинадан пастга югуриб кетганини айтишди.

Николай Бельскийларнинг уйига кирганида кичкина хонанинг полидаги қонга кўзи тушди. Леночка бўғизланган ҳолда гилам устида ётарди. Қотил қизни ўлдиргач, пул излаб ҳамма ёқни остин-устун қилган. Шу пайт Любовь Владимировна келиб қолган. Қотил аёлни итариб пастга югурган.

Ташқарига чиққанида уни милиция майори Николай Литовкин кўриб қолган. Милиционер фуқаролик кийимида, қуролсиз бўлган. У майкачан, ҳамма ёғи қон, қирқма милтиқ кўтарган жиноятчига ташланган. Қотил милтиқни Литовкиннинг кўкрагига тираб отган. Милиционер йиқилган. Жиноятчи эса “Дэу-Нексия” машинасини тўхтатиб, ҳайдовчини тушириб юбориб, автомобилни олиб қочган. Кейинроқ машина топилди. Ўша кунни қотил топилмади...



Саҳифа хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жиноятга жазо муқаррар!

ҚУМЛИКДАГИ

Термизлик Хусан Шералиев ўша куни шахсий машинасида кира қилаётган эди. Тушга яқин йўловчиларни манзилга элиб, уйига кетмоқчи бўлиб турганда олдида икки йигит келди.

— Ака, Учқизилга бориб келишимиз керак, — деди улардан бири.

— Узоқ юрмаймизми? — сўради ҳайдовчи уларга разм солар экан.

— Шаҳардаги бир хонадонга кириб чиққач, Учқизилга тезда бориб қайтамыз.

Ҳайдовчи рози бўлди. Улар шаҳардаги кўчаларнинг бирида жойлашган хонадондан ҳаялламай чиқишди. Машина Учқизил томон елдек учди. Қумликлар бошланган жойда йўловчилардан бири атайлаб ўқчий бошлади. Шериги эса "Оббо,

ев шилқ этиб йиқилди. Газандалар уни ўлди, деб ўйлаб машинани номаълум томонга ҳайдаб кетишди.


Орадан чамаси бир соатлар ўтгач Хусан Шералиев

тузилиб, аниқ иш режаси белгилаб олинди. Суриштирув чоғида жабрланувчи босқинчилар шаҳардаги хонадонлардан бирига киришганини айтди. Калаванинг

лумот берди. Босқинчиларнинг ташқи кўриниши, қилган жиноятлари илгари тўрт марта судланган икки шахсга бориб тақалди. Тезкор гуруҳ тўғри йўлга тушиб олган эди.

Босқинчилардан бири — Эрмат Файзиёв (исм-шарифлар ўзгартирилди) акасининг уйида яшириниб

БОСҚИНЧИЛИК



ётганда, тунги соат 24 лар чамаси кўлга олинди. Унинг шеригини қидириш давом эттирилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Шухрат Алиқулов ҳам ярим тунда акасининг уйидан ушлаб келинди.

Дастлабки тергов давомида улар ашаддий гиёҳванд эканликлари маълум бўлди. Бундан ташқари шаҳарда мижозларнинг уйлари таъмирлаб

яна тутиб қолди-ку, ака бир дақиқага тўхтанг" дея илтимос қилди. Машина йўлнинг чеккасида тўхташи билан орқа ўриндикда ўтирган йўловчи ҳайдовчига ташланди. Ҳайдовчи бир амаллаб машинадан тушиб қочди. Босқинчилар уни анча нарида тутиб олиб, дуч келган жойига ура бошладилар. Улардан бири катта тош билан ҳайдовчининг бошига туширди. Хусан Шерали-

ўзига келди ва гандираклаб катта кўчага чиқиб олди. Йўловчи машиналарнинг бирида Термиз тумани ички ишлар бўлимига етиб келди.

Навбатчи бўлган воқеа ҳақида зудлик билан раҳбарларга рация орқали хабар етказди. Вилоят ички ишлар бошқармасидан вакиллар етиб келишди. Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги К. Маматалиев бошчилигида тезкор гуруҳ

учи топилган эди. Тезкор вакил, милиция капитани Шароф Мустонов айтилган манзилга бориб, у ерда истиқомат қилувчи аёллар билан суҳбатлашди. Аввалига улар ҳеч қандай йигитлар келишмади, деб туриб олишди. Милиция капитанининг саъй-ҳаракатларидан сўнг аёллардан бирининг виждони уйғонди, кимлар келгани, ташқи кўриниши, кийимлари ҳақида маъ-

берамиз, дея бўёқ ва бошқа курилиш материаллари учун пул олиб яшириниб юришгани, гиёҳвандлик моддаси сотиб олиш ва истеъмол қилиш учун Термиз тумани ҳудудидаги қабристондан алюмин панжаралар, Учқизил қишлоғида яшовчи фуқаронинг телевизорини ўғирлаб кетганликлари ҳам фош қилинди.

С. НОРМУРОДОВ.

«УЧАР» КУЁВ

Давлатдан катта миқдорда қарз олиб уни ўз манфаати йўлида ўзлаштириб, қочиб юрган қашқадарёлик Ю. Эсонни қидирув чоғида рўй берган воқеани кўп вақт эслаб юрсам керак. Ю. Эсон Тошкентда яхши ният билан фирма очади. Аввалига иши юришади. Кейинчалик уни кенгайтириш мақсадида давлатдан катта миқдорда қарз олади. Лекин пулни режалаштирилган ишларга эмас, ўз жигилдони учун сарфлай бошлайди. Вақт ўтиб, қарз давлатга қайтарилиши керак бўлганда, қочиб кетади. Уни қидириш кўп вақт давом этмади. Тошкентдаги уйдан топа олмаганимиздан кейин Қашқадарё вилоятига бордик. У яшайдиган қишлоқдаги одамлардан суриштирганимизда қайнонасиникида эканлигини айтишди. Кечки пайт тўғри айтилган манзилга бордик.

Дарвозани бир ўсмир очди. Муддаомизни айтгандик, у: — Поччам бизникида йўқлар, Тошкентда яшайдилар-ку, — деди бамайлихотир.

Биз уйни кўздан кечиришимиз лозимлигини айтгандик, у ортига қараб, қандайдир итнинг отини айтиб қақирди. Ҳовлида ҳеч қандай ит кўринмагандан кейин шубҳаланиб, бу қандайдир сигнал бўлса керак, деган ўйга бордик.

Энди ичкарига кирмоқчи бўлиб тургандик останада бир аёл пайдо бўлди. Кейин билишимизча, у Ю. Эсоннинг қайнонаси экан. Хушмуомалалик билан саломлашиб уйга бошлади.

Дастурхонга уйда борини тўкиб, чой дамлаб келган аёл мақсадимизни билгач:

— Куёвим анчадан бери келмайди, — деди.

Мен келишимизнинг боисини яна бир бор тушунтириб, қочиб юрмасдан ўзи айбини бўйнига олиб, милицияга борса жазоси енгиллашини айтдим.

Гарчи куёвнинг уйдалигини билиб турсамда:

— Куёвингиз уйда ҳам, Тошкентда ҳам йўқ, у яна қаерда бўлиши мумкин, — дея сўрадим аёлга синчковлик билан тикилиб.

— Ким билади дейсиз, бошқа борадиган жойи ҳам йўқ, — деди аёл кўзларини олиб қочиб.

Шу пайт уй тўридаги тахмоннинг пардаси сал қимирлагандай бўлди. Мен тахмон томонга тикилиб қолгандим, қолганлар ҳам ўша ёққа қарашди. Кутилмаганда тахмондан кўрпа ва ёстиқлар ағдарилиб, улар устида беркиниб ўтирган Ю. Эсон хонанинг ўртасига кулаб тушди.

— Ана куёвингизнинг ўзи "учиб" келди, — дедим кулиб.

Хонада йиғилганлар ёлғонлари фош бўлганидан юзлари докадек оқариб кетди. Биз эса "учар куёв"ни олдимизга солиб ҳовлидан чиқдик.

С. КАРИМОВ,
милиция капитани,
Шайхонтохур тумани.

Ўзгаларнинг моли ҳисобига бойиш, ўз эҳтиёжини қондириш ёки бировнинг омонатига хиёнат қилиш азал-азалдан қораланади. Ҳадиси-шарифларда нафақат бегонанинг молига кўз олайтириш, хатто очик турган эшикдан бировнинг ҳовлисига кўз ташлаш ҳам гуноҳ саналган. Бироқ очигини айтиш керак, бугунги кунда жиноятнинг бу тури кўпайиб бормоқда. Бундай жиноятлар ёшлар томонидан ҳам содир қилинаётгани кишини ташвишга солади. Девор-дармиён кўшчилар, кексалар, химюсиз кишиларнинг ожизлигидан фойдаланиб, уларни хонумонидан айираётганлиги эса нафрат уйғотади.

Мана, қора курсида беш нафар тоғни урса талқон қилгудек кучи бор йигитлар ўтиришибди. Уларни кўрган одамнинг ҳаваси келади. Бироқ қилмишларидан хабар топган киши нафрат билан қараш табиий. Судланувчиларнинг ўхшаш томонлари кўп. Ҳаммаси бўйдоқ, судланмаган, маълумотлари 8 ёки 9 синфдан ўтмайди. Бирор жойда на ишлашди, на ўқишди. Ёшлари 20 дан 23 гача. Мақсадлари бир хил - ишламай пул топиш.

Йигитларни жиноий гуруҳга бирлаштирган аслида Камолиддин. Бу гуруҳнинг жиноий ҳаракатлари ўтган йилнинг октябрь ойидан бошланган. 2002 йил 20 октябрда ўтар кечаси Камолиддин аввалдан тил бириктирган ҳолда Ҳабибулла ва Абдумаликлар билан

ҚАШҚИРЛАР

бирга Тошкент туманидаги "Селекта" фермер хўжалигидан нархи бир миллион сўмдан ортиқ бўлган сигир ва бир бош бузоқни ўғирлаб, сотиб юборишди. Қўлига пул тушганидан қувонган йигитлар эртаси кунёқ Окқўрғон туманига йўл олишди. Бу сафар Камолиддин Ҳабибулла эмас, Абдумаликни ўзига шерик қилади. Улар Р. Уктамга тегишли, нархи икки миллион сўмни ташкил этадиган иккита отни ўғирлаб, сўйиб гўштини сотиб юборишди. Тушган мўмай даромаддан уларнинг нафси янада ҳақалак отади, тумандаги от боқувчи оилалар билан қизиқишади. Отларни етаклаб кетишдаги айрим юзага келадиган қийинчиликлар туфайли бу сафар учовлонга Бахтиёр ва Шерзодлар ҳам қўшилишди.

Кеч куз. 16 ноябрда ўтар кечаси улар Окқўрғон туманилик Э. Шухрат ҳамда Х. Қурбонбойнинг тахминан ярим миллион сўмлик бияларини гумдон қилишди. Тонг отгунча жониворларни сўйиб, гўштини сотиб юборишди. Орадан бир ҳафта ўтиб яна ўша туманда яшовчи М. Мухторнинг хонадонига "меҳмонга" боришди ва унинг тойини ўғирлашди.

Камолиддин одамларни қақшатиб, тушаётган даромаддан ҳузурланар ва янги ўлжалар қидирарди. Бу сафар ўз ҳамқишлоғи К. Ҳикматнинг етилган бўрдоқсини кўз остига олди. Қиш тунларининг бирида Ҳабибулла ва Бахтиёр билан уни ҳам ўғирлашди. Новвос сўйилиб сотилди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна бир ҳамқишлоғи — Ж.Жўранинг 350.000 сўмлик қорамолини ўмариди. Уни етаклаб чиқиб кетишаётганда молнинг эгаси Жўра гўёки сезгандек ташқарига чиқди. Қараса, оғилхонада мол йўқ. У дарвоза очиклигини кўриб ташқарига йўналди. Узоқдан қора шарпалар кўринди. Жўра уларнинг ортидан овози борича бақириб югура бошлади. Шарпалар тўрт томонга қоча бошлашди. У ҳал-

лослаб етиб келгач, ўз молини кўриб йиғлаб юборди. Тўғри-да, не қийинчиликда боқилаётган молни биров индамай етаклаб кетса, бунга қандай чидаш мумкин? Жўра моли топилганидан хурсанд бўлиб бу ҳақда ҳеч қаерга хабар қилмади. Бу воқеа уларни қабиҳ йўлдан қайтариш ўрнига, янада фаоллаштириб юборди. Улар яна бир ҳамқишлоқлари — К.Авазбекнинг оиласини сут-қатиқ билан таъминлаб турган сигирини ўғирлаб сотиб юборишди. Қўшнисини қирқиллаганга қолаверди.

Маълумки, қишлоқда гап тез тарқалади. Бу қон қақшаганларнинг фиғони кўкка кўтарилганда, йигитларнинг ота-оналарига етиб бормаган дейсизми? Етиб борган. Тергов давомида улар фарзандларининг топармон-тутармон бўлиб қолганлари сабабини сўраб-суриштирмаганликлари маълум бўлди. Болаларининг юриш-туриши ўзгариб қолгани, қўлида бейилска пуллар пайдо бўлганини тижорат билан боғлаб, бамайлихотир юравергани жуда ажаблаларли-да!

Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги

А. Ходжаев, катта тезкор вакиллар, милиция майори А. Тўхтапўлатов, милиция капитани Қ. Холмирозев, тезкор вакил, милиция лейтенанти У. Ориповлар жиноятчиларнинг изига тушдилар. Олиб борилган суриштирувлар натижасида уларнинг барчаси кўлга олинди. Тергов жараёнида мазкур гуруҳ Тошкент шаҳрида яшовчи айрим фуқароларнинг молларини гумдон қилишгани аниқланди. Вилоят ИИБ терговчиси, милиция майори Ш. Маматов ушбу жиноий гуруҳ аъзоларининг жиноятдаги ўрнини тўғри аниқлаб, ҳар бирига қонун бўйича айблов қўйди.

— Бу жиноятлар қисқа фурсатда очилиши мумкин эди. Бунда фуқароларнинг ҳам айби бор, — дейди Ш. Маматов. — Масалан, Х. Мухайёнинг моли январь ойида ўғирланган. Орадан бир неча ой ўтишига қарамай бу ҳақда милицияга хабар бермаган. Сабаби сўралганда, у ўз кучимиз билан топишга ҳаракат қилаётган эдик дея жавоб берди. Худди шундай сўзларни бошқа жабрланувчилар ҳам такрорлашди. Уларнинг фолбинга бориши, кимлардандир маслаҳат сўраши қизиқ ҳол. Афсуски, бу билан жиноятчиларнинг жазодан қочиб юришларига имкониёт яратиб беришарди, холос. Буни асло унутмаслик зарур.

М. ИБРОҲИМОВА.

Республика ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги М. Мухтаровга онаси
ВАЗИРА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ бўлим раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Колмиқовга онаси
ИРИНА КОЛМИКОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармасининг бўлима бошлиғи, милиция подполковниги Асқар Фуломов ҳамда вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта инспектори, милиция майори Анвар Фуломовга оналари
ШАРОФАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Заковат

ТИЛ БИЛГАН
ЭЛ БИЛАДИ

Тилларнинг қайси оилалари мавжуд? — Ҳинд-европа, олтой оиласи.

Туркий тиллар қайси тиллар оиласига киради? — Олтой оиласига.

Дунёдаги халқлар неча хил тилда гаплашади? — 2976 тилда.

Хар бир тилга қанчадан киши тўғри келади? — 1 млн. атрофида.

Тиллар неча турга бўлинади? — икки турга: "ўлик" ва "тирик" тил.

Қандай тиллар "тирик тил" деб ҳисобланади? — Халқлар ҳозир ҳам гаплашадиган тиллар.

Қ. СУЛТОНОВА тайёрлади.

Фавора — бунчалар гаштлisan...



Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ФОЛБИН ҲАМИША ҲАҚМИ?

Гоҳо одамлар "Сиз ҳам фолбинларга ишонасизми?" — дея савол беришади. Ўйлаб қоламан. Тўғриси, шу пайтгача фолбинларга мурожаат этмаганман. Баъзан уларнинг ҳақлиги ёки ноҳақлиги ҳақидаги турли мишмишлар қулогимга чалиниб туради.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Уша куни кечкурун қўшнимнинг велосипедида биздан икки қишлоқ нарида яшайдиган жиянимникига йўл олдим. Қишлоққа киришим билан учраган биринчи киши велосипедни диққат билан кўздан кечирди.

— Шу велосипед танишга ўхшайди, — деди-ю бир йигитни чақирди.

Игит югуриб келди-да: — Э ака, бу матоҳни бир ҳафтадан бери ахтараман, — дея велосипед ўзиники эканлигини айтди.

— Ахир, у қўшнимники, — дедим хайрон бўлиб.

— Фолбинга боргандим, — деди йигит шошиб. — Бир-икки кунда велосипедни унингга миниб келишади, деган эди.

Ишларни битириб уйга қайтгач; — Э, мени уялтириб қўйдинг-ку! — дедим қўшнимизга. — Велосипед асли кимники?

— Бир ҳафта бўлди, ўша қишлоқдаги жияним кечкурун маст бўлиб қолган экан. Велосипедни бизникида қолдириб кетган эди, — деди кулиб қўшним.

Иккинчи воқеа

Бу воқеани бир дўстим ҳикоя қилиб берганди. Кечкурун меҳмондорчиликдан қайтаётган Со-бир акани машина уриб кетади. Каттиқ шикастланиш туфайли у воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. Айбдорни топиш қийин кечади. Собир аканинг яқинлари фолбинга боришади.

— Таъзия куни ўша киши ҳам иштирок этган, — дейди фолбин.

Орадан маълум муддат ўтди. Кунларнинг бирида марҳумнинг уйига жиноятчининг ўзи кириб келади ва аздорлардан кечирим сўрайди. Ҳақиқатан ҳам ўша киши таъзияда иштирок этган экан.

УЧИНЧИ ВОҚЕА

Икки яшар Соҳиба ариқ бўйида ўйнаб ўтирарди. Ақаси мактабга кетаётганида Соҳибани кўрган, лекин уйга қайтармай катта хатога йўл қўйганди. Қизча бехосдан сирпаниб ариққа тушиб кетади.

Пешиндан сўнг ота-онаси Соҳибани излай бошлади. Барча қариндошларникига боришади. Афсус, ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Соҳибанинг онаси қўшнимларнинг маслаҳати билан фолбинга боради.

— Қизингизни биров ушлаб турибди, — дейди фолбин.

Соҳибанинг ақаси уни ариқ бўйида кўрганини айтганда дарҳол сувни тўхтатишади. Шунда кўприк тагида нимадир кўзга чалинади. Не кўз билан кўришсин-ки, Соҳиба кўприк тагидаги симларга иланиб қолган, аллақачон юраги уришдан тўхтаган эди.

Мамадали ЖАЛИЛОВ.

Бу — қизик

ҚЎЛ КАФТИ
МИЖОЗНИ АНИҚЛАЙДИ

Иссиқ ва қуруқ қўл кафти сангвиник миждозли одамга тегишлидир. Ёки сўрашаётган одамнинг кайфи чоғ бўлиши мумкин. Бундай одамлар чаққон, фаол, одамшинаванда, ҳаракатчан бўладилар.

Иссиқ ва нам қўл кафти холерик миждозли одамга тегишли. Аммо одамнинг кайфияти бузилиб, жаҳли чиқиб турганда ҳам шу ҳолат юз бериши мумкин. Бундай одамнинг суҳбат пайтида арзимаган нарсадан жаҳли чиқади.

Совуқ ва қуруқ қўл кафти флегматик миждозга тегишлидир. Флегматик ҳар бир сўзини шошмасдан, гўёки истамагандек гапирди. Унинг жаҳлини чиқариш мушкул, чунки флегматиклар совуққон одамлардир.

Совуқ ва нам қўл кафти меланхоликларга тегишли. Суҳбат чоғида бундай одамни осонгина хафа қилиб қўйиш мумкин ва у бунга узоқ вақтгача эсдан чиқармайди.

Шокир ҚОСИМОВ,
шифокор.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги **Равайн АҚБАРОВ**ни 45 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, эл-юрт осойишталигини сақлаш йўлидаги машаққатли ҳамда шарафли хизматда гайрат, шижоат ва муваффақиятлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғининг ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди, доцент, ички хизмат полковниги **Ғайрат РАҲИМОВ**ни 55 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Азиз ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оиласига хотиржамлик ва ишларида ютуқлар тилаймиз.

ИИБ ЁХОТМ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Навобий шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим ходимлари, милиция кичик лейтенанти **Амон ЖУМАЕВ**, милиция катта сержанти **Аваз ОЛИМОВ**, милиция сержантлари **Сайдулло ТОШМАТОВ** ва **Собир ИСЛОМОВ**ларни туғилган куни билан самимий табриклайдилар. Уларга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида катта ютуқлар тилайдилар.

Қизимиз **ҚАМОЛАХОН!** Сени туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз.

Отанг **Меликул**, онанг **Муҳаббатхон** ва оила аъзоларинг.

Нигора МҶМИНОВАни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Қайнотаси, қайнонаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари **Бахтиёр, Ҳасан, Зухра**.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги милиция батальони сардори, милиция подполковниги **Азамат ЭҒАМБЕРДИЕВ**ни таваллуд куни билан самимий табриклайман. Ажажонимга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, шарафли ҳамда машаққатли ишларида катта ютуқлар тилайман.

Эҳтиром ила уқаси **Музаффар**.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХБ 4-отряди катта ноҳири, милиция лейтенанти **Ғаипер ЭҒАМБЕРДИЕВ**ни туғилган куни билан муборақбад этаман. Ҳамкасбимга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва ишларида ютуқлар тилайман.

Ҳурмат ила дўсти **Раҳмон**.

Сўраган эдингиз...

СУДЬЯНИНГ ИШТИРОКИ
РАД ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Хўжалик судида қонун билан кўриқланадиган манфаатимни ҳимоя қилаётган эдим. Судья шу иш илгари кўрилганда вакил сифатида қатнашган эди. Навбатдаги жараёнда унинг иш кўришида иштироки рад қилиниши мумкинми?

С. ҲОЗИЕВ,
тадбиркор.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексига кўра судья қўйидаги ҳолларда иш кўришида иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим:

● ишда иштирок этувчи шахслар ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

● шу иш илгари кўрилганда эксперт, таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ

сифатида иштирок этган бўлса;

● ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор ёхуд унинг ҳолиселигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьялар кириши ҳам мумкин эмас.

КРОССВОРД

Бўйига: 1. Кавказдаги республика. 2. Ҳижрий-шамсий йил оғи. 3. Нишон. 4. Европадаги давлат. 6. Исм. 9. Ҳиндистондаги шаҳар. 10. Математик термин. 12. Кўқон хони. 13. Тарози қисми. 18. Ўрмон ўсимлиги. 19. Грузия пойтахти. 20. Тиббий муассаса. 24. Табиий елим. 25. Устмон.

Энига: 5. "Тезюрар" жонивор. 7. "... му-сикачилари" эртаги. 8. Ўтмишда зодагонлардан бири. 11. Илдизи қандолатчиликда ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик. 14. Металл эритиш қурилмаси. 15. Косибчилик маҳсулоти. 16. "Қиёмат" романидаги она бўри. 17. Ибрат. 21. Егер. 22. ... Пьеха. 23. Исм. 26. Серсув дарё. 27. Мумтоз куй. 28. XV-XVI асрларда Хуросонда яшаган машҳур тарихчи.

Тузувчи С. АБДУЛЛАЕВ.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 7. Жузжоний. 8. Жабалгур. 14. Жубанов. 17. Жонибек. 18. Жонлангириш. 19. Жонон. 22. Жўка. 23. Жомий. 24. Жамол. 29. Жумамуротов. 31. Житомир. 32. Жалилов. 35. Жосулик. 36. Жойнамоз.

Бўйига: 1. Жўжа. 2. Жило. 3. Жуков. 4. Жигули. 5. Жазоир. 6. Жувоб. 9. Жуковский. 10. Жалолобод. 11. Жўн. 12. "Жимжитлик". 13. Женкинсон. 15. Жолинус. 16. Жиганов. 20. Жой. 21. Жом. 25. Жазлик. 26. Жума. 27. Жонсон. 28. Жило. 30. Жаров. 33. Жуно. 34. Жазо.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИВ
БИРЛАШГАН
ТАҲРИРИЯТИ

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod
TILLAYEV
Mas'ul
kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi
S. SHAMSIDDINOV

Sahifalovchi
Z. BOLTAYEV

Musahhih
G. XOLIQOVA

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma Г — 739. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 45954 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
● Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Yashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.